

9-28-2018

Constitutional and legal basis of relations between the parliament and the government of the Republic of Uzbekistan

X. Turdiev

Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, tsulscience@tsul.uz

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law



Part of the [Constitutional Law Commons](#)

Recommended Citation

Turdiev, X. (2018) "Constitutional and legal basis of relations between the parliament and the government of the Republic of Uzbekistan," *Review of law sciences*: Vol. 2 : Iss. 3 , Article 9.

Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss3/9

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



CONSTITUTIONAL AND LEGAL BASIS OF RELATIONS BETWEEN THE PARLIAMENT AND THE GOVERNMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

КН.ТУРДИЕВ^а

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ПАРЛАМЕНТОМ И ВЛАСТЬЮ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Х.ТУРДИЕВ^а

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Х.ТУРДИЕВ^а

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасида парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий қонун ҳужжатлари ёритилган ва таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ҳокимиятлар бўлиниши принципи, парламент, ҳукумат, парламент назорати, ишончсизлик вотуми, ҳуқуқ ижодкорлиги.

Аннотация: в статье освещены и проанализированы основные законодательные акты, регулирующие взаимодействие парламента и правительства в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: принцип разделения властей, парламент, правительство, парламентский контроль, вотум недоверия, правотворчество.

Abstract: this article highlights and analyzes the main legislative acts which regulates the interaction of parliament and government in the Republic of Uzbekistan.

Key words: the principle of separation of powers, parliament, government, parliamentary control, no-confidence vote, lawmaking.

Мавзунинг долзарблиги. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги муносабатлар давлат бошқаруви жараёнида вужудга келувчи мамлакат ҳаётидаги энг муҳим муносабатларни тартибга солувчи ўзаро алоқалардир. Бугунги кунда ҳам Ш.Монтескье илгари сурган қонун устуворлиги принципи асосидаги ҳокимиятлар бўлиниши доктринаси ўз долзарблигини йўқотмади [1]. Қонун чиқарувчи ҳокимият ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги оқилона нисбат муаммоси нафақат яқинда ташкил топган мамлакатлар давлатчилиги амалиёти муаммоси сифатида, балки ғарб олимларининг жиддий илмий баҳслари объекти бўлиб келмоқда [2].

Парламент ва ижро этувчи ҳокимиятнинг алоқалари давлат бошқарув шаклига сезиларли таъсир этади. Бу жараёнда давлат бошқаруви ваколатлари олий ҳокимият органлари ўртасида тақсимланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият ижро ҳокимиятини шакллантиришда ва унинг қонун лойиҳаларини қабул қилишда асосий ролни бажаради [3]. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро муносабатлари қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлашда ҳамда мамлакатимизда самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий сиёсат юритилишида ва фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини бошқариш ва ривожлантиришда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ташкил этилиши негизлари ҳамда фаолиятининг ҳуқуқий асослари, шунингдек парламент ва ҳукумат ўртасидаги асосий муносабатлар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари белгиланган бўлиб, улардан қуйидагилар айнан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро муносабатларини тартибга солади:

- Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш;
- парламент назоратини амалга ошириш [4].

Конституцияда назарда тутилган концептуал асослар қонун ҳужжатларида кенг ифодасини топган. Мамлакат ҳаётидаги ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим йўналишларини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаши лозимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этишида намоён бўлади. Бу жараён икки ҳокимият ўртасидаги тўғридан-тўғри муносабатларни ифода этади. Яъни Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгарлиги кўзга ташланади.

Парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатларнинг илмий ва амалий ўрганиб, қуйида уларнинг асосий шаклларини таҳлил қиламиз.

Биринчидан, парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатларида асосий ўринни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Вазирлар Маҳкамасини шакллантиришдаги иштироки эгаллайди. Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш тартиби ҳам ўзгарди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир нечта сиёсий партия томонидан таклиф этилиши белгиланган. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан сўнг уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этиши жорий этилди. Кўриниб турибдики, бу ўзгариш билан парламентар демократиянинг асоси ҳисобланган парламентнинг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги иштироки ва унинг фаолиятини назорат қилиш механизми бевосита таъминланди [5].

Бунинг исботи сифатида Бош вазир номзоди учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланиши қоидаси киритилганлигини таъкидлаш мумкин.

Шу билан бирга, Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши амалиёти жорий этилди. Мазкур дастурдан янги ҳукуматнинг асосий вазифалари мазмун-моҳияти ва уларни амалга ошириш механизмлари жой олади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида белгиланганидек, Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари, яъни ижро ҳокимияти тизимига бошчилик қилади. Шу жиҳатдан Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида ҳукуматнинг парламент олдидаги жавобгарлиги сифатида ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институти белгиланган. Олимларнинг фикрича, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотумининг аҳамияти икки жиҳатни ўзида қамраб олади. Биринчидан, ҳукуматнинг парламент олдида ҳисобдорлигининг механизми амалга ошади. Иккинчидан, конституциявий принциплар асосида ҳокимият парламентдаги кўпчилик қўлида сақланиши таъминланади [6].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритиш мумкинлиги белгиланганлиги парламентар демократиянинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Учинчидан, ҳукумат фаолияти борасида парламент назоратини амалга ошириш масаласи ўта аҳамиятлидир. Ҳуқуқшунос олимлар Б.Страшун ва В.Рыжовнинг фикрига кўра, парламент назорати институти объекти сифатида кўп ҳолатда ижро ҳокимияти майдонга чиқади. Айрим вазиятларда парламент назорати давлат раҳбари, суд ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан қўлланилиши мумкин. Парламент назорати институти ҳукуматга нисбатан сиёсий, бошқа давлат органларига эса ҳуқуқий жиҳатдан амалга оширилади [7]. Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида парламент назорати шакллари сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш, Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш, палаталар мажлисларида ҳукумат аъзоларнинг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотни ва депутатларнинг саволларига жавобларни эшитиш, парламент текшируви кабилар белгиланган. Ҳокимиятлар бўлиниш принципида қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини назорат қилиш ва ижро ҳокимияти фаолияти самарадорлигини баҳолашда бу жараён муҳим аҳамиятга эга. Кўплаб хорижий мамлакатларда парламент фаолиятида парламент назорат функцияларига эътибор қаратилиб, бу ҳолат ижро ҳокимияти тармоғининг кучайиб кетишининг олдини олишда хизмат қилади [8].

Тўртинчидан, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳукуматнинг тутган ўрнини таҳлил қилиш долзарб масаладир. Профессор Х.Т.Одилқориев фикрига кўра ҳуқуқ ижодкорлиги давлатнинг юридик нормалар яратишга қаратилган махсус фаолиятидир. Давлат мазкур фаолият орқали халқнинг иродасини қонун даражасида ифода этади, ижтимоий бошқарув ва сиёсий раҳбарликни амалга оширади [9]. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ижроси сифатида ҳукумат амалдаги қонунчиликни амалга оширилиши механизмини қай даражада ишлаётгани ва ундаги бўшлиқлар ҳамда янги нормалар қабул қилиш заруриятини бошқа қонунчилик ташаббуси субъектларига қараганда кўпроқ амалиётда тўқнаш келади. Шу сабабдан жаҳон амалиётида ҳам парламентга киритиладиган қонун лойиҳаларининг аксарият қисми ҳукумат томонидан киритилиши кузатилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. “Ҳукумат ўзи ўтказаятган сиёсат учун қандай қонунчилик таъминоти зарурлигини ва қонунларни ўзгартиришда қандай эҳтиёжлар мавжудлигини ҳокимиятнинг бошқа

субъектларига қараганда яхшироқ билади. Ижро ҳокимияти сифатли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун кўпроқ имконият ва ресурсларга эга. Шу сабабли бошқа хорижий давлатлар сингари Ўзбекистонда ҳам қонун ижодкорлиги борасидаги ишларда ҳукумат фаол иштирок этиши табиий” [10]. Юқоридаги фикрлардан ижро ҳокимиятининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ролини юқори баҳолаш мумкин. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилаётган қонун лойиҳаларининг сифатини, юридик техника жиҳатдан мукаммалигини ва амалга оширишнинг аниқ механизмларини белгилаш уларнинг ижросини таъминлашда асосий мезондир.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси. Хорижий мамлакатларнинг парламент ва ҳукумат муносабатлари соҳадаги тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш келгусида миллий қонунчилик тизимига жорий этишга асос бўлади. *Биринчидан*, ҳукумат кўплаб парламентар республикаларда (Германия, Швеция, Япония) қонун чиқарувчи орган, президентлик бошқаруви давлатларида (АҚШ, Португалия, Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатлари) эса президент томонидан парламент билан келишилган ҳолатда шакллантирилади. *Иккинчидан*, дунёнинг аксарият давлатларида ҳукуматнинг парламент олдидаги жавобгарлиги масаласи (ишончсизлик вотуми) ҳам умумий ҳукумат таркиби доирасида ёки унинг алоҳида вакилига нисбатан қўлланилиши мумкин. Мисол сифатида, Франция Конституцияси янги 49-моддасида Миллий мажлис ҳукуматга нисбатан ишончсизлик билдириши мумкинлиги, бунга асос бўлиб, камида ўндан бир қисм Мажлис аъзоларининг овози кераклиги белгиланган. *Учинчидан*, парламент назорати институти объекти сифатида кўп ҳолатда ижро ҳокимияти намоён бўлади. *Тўртинчидан*, жаҳон амалиётида парламентга киритиладиган қонун лойиҳаларининг катта улуши айнан ҳукуматга тўғри келади. Мисол сифатида, Германия амалиётига кўра федерал ҳукумат парламентга кўп миқдорда қонун лойиҳаларини киритади. Федерал ҳукумат томонидан илгари сурилган қонун лойиҳаларини федерал канцлер дастлаб Бундесратга киритади. Қоида тариқасида олти ҳафта ичида Бундесрат қонун лойиҳасига шарҳ беради. Кейинги босқичда канцлер қонун лойиҳасини Бундесрат шарҳлари билан бирга Бундестагга тақдим этади.

Тақлиф ва тавсиялар. Юқорида келтирилган илмий ва амалий хулосалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар тақлиф этилади.

Биринчидан, парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатларида асосий ўринни эгалловчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Вазирлар Маҳкамасини шакллантиришдаги тўғридан-тўғри иштирокини парламент қўйи палатаси сиёсий партиялари ролини ошириш механизмлари билан таъминлаш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим.

Иккинчидан, ҳокимиятлар бўлиниш принципини таъминлаш учун парламент назорати субъектлари ваколатларидан келиб чиқиб, парламент назорати шакллари қўллашнинг аниқ тартиб-таомилларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ижро ҳокимияти томонидан тақдим этилаётган қонун лойиҳаларининг сифатини, юридик техника жиҳатдан мукамаллиги ва амалга оширишнинг аниқ механизмларини белгилашда замонавий-инновацион усулларни жорий этиш лозим.

Хулоса. Ҳокимиятлар бўлиниш принципида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги муносабатлар ва алоқалар ягона давлат сиёсатини амалга оширишни кўзлайди. Парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатларига оид қонунчиликни такомиллаштириш ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини амалга оширишда, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимини такомиллаштиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир ҳокимият тармоғининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини кучайтиришга, қонун устуворлигини, қонунийликни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари ижросини таъминлашда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш учун уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

References:

1. Olteanu S. Relations between the Parliament and the Government in the Romanian Constitutional Law // 1st World Congress of Administrative & Political Sciences (ADPOL-2012) // Procedia - Social and Behavioral Sciences 81 (2013) 246–249 // <https://www.sciencedirect.com>.
2. Axmedshayeva M.A. Ijro hokimiyat: nazariy-huquqiy masalalar. – Toshkent: TDYuI, 2011. – B.24.
3. Konstitutsionnoye pravo zarubejnix stran. Uchebnik dlyavuzov / Pod obsh. red. chl.-korr. RAN, prof. M.V.Baglaya, d.yu.n., prof. Yu.I.Leybo i d.yu.n., prof. L.M.Entina. – M.: Norma, 2004. – 237 s. <http://krasinskiy.ru/Baglai.pdf>.
4. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2018. – B.75.

5. Izoh: *parlamentar demokratiya* termini g'arb mamlakatlari olimlari tomonidan qo'llaniladi. Milliy huquq va siyosatshunoslik tizimida esa parlamentar respublika tushunchasi qo'llanilishi kuzatiladi. Mazkur ikki tushuncha bir xil ma'noga ega. Parlamentar demokratiyani prezidentlik demokratiyasi bilan o'zaro qiyoslaganda uning elementlari hukumatning vakillik organlari tomonidan shakllantirilishida hamda javobgar bo'lishi (ishonchsizlik votumi)da yaqqol namoyon bo'ladi.
6. Venter R. Motions of no confidence: parliament's executive check and checkmate // Journal of South African Law 2014/1/1 Pages 407–418 / <https://ujcontent.uj.ac.za/vital/access/manager/Repository/uj:5497>.
7. Guseva D. Sovremennye instituty parlamentskogo kontrolya yevropeyskix gosudarstv (Germaniya, Fransiya, Velikobritaniya, Rossiya) // PolitBook – 2016 – №3 // <file:///C:/Users/Pc/Downloads/sovremennye-instituty-parlamentskogo-kontrolya-evropeyskih-gosudarstv-germaniya-frantsiya-velikobritaniya-rossiya.pdf>. – S.12.
8. Litvinova O.S. Ponyatiye “effektivnost” i yego kriterii v parlamentskoy deyatelnosti // Istoricheskiye, filosofskiyе, politicheskoye i yuridicheskoye nauki, kulturologiya i iskusstvovedeniye. Voprosi teorii i praktiki – Tambov: Gramota, 2013. – №5 (31): v 2-x ch. – C.101–107. // http://scjournal.ru/articles/issn_1997-292_X_2013_5-2_27.pdf.
9. X.T.Odilqoriyev, I.T.Tulteyev va boshq. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik./ prof. X.T.Odilqoriyev tahriri ostida. – Toshkent: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2009. – B.233.
10. Jabborov S. Ikki palatali parlament sharoitida qonunchilik tashabbusi huquqini amalga oshirishning o'ziga xos jihatlari // Demokratlashtirish va inson huquqlari. – 2006. – №2. – B.7-8.